

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

АВТОМОБИЛЬ ЁНИЛҒИСИ ҚУЙИШ ШОХОБЧАЛАРИНИНГ ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РЕСПУБЛИКА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИ НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 сентябрдаги 382-сон қарорига мувофиқ республика халқ хўжалигини ва аҳолисини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни тартибга солиш, уларни сотишда қонун бузилишларининг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 сентябрдаги 430-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2004 й., 37-сон, 411-модда)

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига хўжалик юритувчи субъектларнинг нефть маҳсулотлари сотиш ҳуқуқини лицензиялаш ваколати берилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг ёқилғи-энергетика комплекси ваколатли органлар томонидан нефть маҳсулотлари сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш учун хужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартибига риоя этилишини ва уларнинг тўғри берилиши устидан назоратни амалга оширсин.

(3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 289-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2003 й., 12-сон, 97-модда)

4. Белгилаб қўйилсинки:

(4-банднинг иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 289-сонли қарори билан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2003 й., 12-сон, 97-модда)

махсус рухсатнома (лицензия)сиз нефть маҳсулотлари сотаётган юридик шахсларнинг фаолияти ноқонуний ҳисобланади ва уларнинг ушбу фаолият турини амалга оширишдан олган даромади (фойдаси) олиб қўйилади, уларга юқоридаги миқдорда жарима солинади, айбдор шахслар эса амалдаги қонунчиликка мувофиқ жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликка тортилади;

автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари учун нефть маҳсулотлари фақат нефть маҳсулотлари етказиб берувчининг махсус автотранспортида етказиб берилиши ҳисобга олинган ҳолда автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари билан нефть базалари ўртасида тузилган шартнома асосида белгиланган тартибда берилади;

(4-банднинг учинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 сентябрдаги 430-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2004 й., 37-сон, 411-модда)

янги автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларининг қурилиши «Ўзнефтмахсулот» акциядорлик компанияси билан келишилган рухсати билан амалга оширилади.

(4-банднинг тўртинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 ноябрдаги 294-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2011 й., 45-46-сон, 470-модда)

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, «Ўздавнефтмахсулот» бирлашмасининг, шунингдек хусусий автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари эгаларининг автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари ҳудудий уюшмаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин. Маълумот учун қабул қилинсинки, қуйидагилар уюшмалар фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларининг иш тартиби бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва уларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдим этиш;

хусусий автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари эгаларининг талаб қилинадиган нефть маҳсулотлари ҳажмлари тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқиш

ҳамда уларни етказиб бериш юзасидан «Ўздавнефтмахсулот» бирлашмаси бўлинмалари билан шартномалар тузиш бўйича таклифлар киритиш;

хусусий автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ифодалаш;

хорижий инвестицияларни ҳамда ватанимиз юридик ва жисмоний шахслари маблағларини автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари тармоғини ривожлантириш ва реконструкция қилишга жалб этиш.

6. Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика ҳамда Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш комплекслари, ҳудудий ишчи гуруҳлари раҳбарлари бир ой муддатда автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари ҳудудий уюшмаларининг таъсис конференцияларини тайёрласинлар ва ўтказсинлар, қонунчиликда белгиланган тартибда раҳбар ва ижро этувчи органларини сайлашда кўмаклашсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, «Ўздавнефтмахсулот» бирлашмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг «Ўздавнефтмахсулот» бирлашмаси тизимининг нақд пулга нефть маҳсулотлари сотувчи ишлаб турган автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларини 4-иловага* мувофиқ 1998 йил охиригача ва 1999 йилда хусусийлаштириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

* 4-илова берилмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси «Ўздавнефтмахсулот» бирлашмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда белгиланган тартибда кимошди савдолари орқали ва тендер асосида автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларини, улар жойлашган ер участкаларини узоқ муддатли ижарага берган ҳолда ва ер участкалари билан биргаликда жисмоний ва юридик, шу жумладан хорижий жисмоний ва юридик шахсларга, маблағлар манбалари юзасидан декларация талаб қилмасдан, сотсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги зарур тартибни ҳамда автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларининг мазкур қарорга 1-иловада баён қилинган талабларга мувофиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш учун ички ишлар органлари ва бўлинмаларининг масъулиятини оширсин.

10. Ҳукуматнинг айрим қарорларга қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

(10-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 236-сонли қарори билан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2002 й., 11-12-сон, 97-модда)

Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 7 сентябрдаги 382-сон қарорининг 1-бандидан, шунингдек мазкур қарор билан тасдиқланган Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тўғрисидаги низомнинг 1-бандидан «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида» сўзлари чиқариб ташлансин.

11. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ёнилғи-мойлаш материалларини сотишни тартибга солиш тўғрисида» 1994 йил 6 майдаги 240-сон қарори билан тасдиқланган Автоёнилғи қуйиш шохобчаларининг ишлаш қоидаларининг 8 ва 20-бандлари;

Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 7 сентябрдаги 382-сон қарори билан тасдиқланган Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тўғрисидаги низомга илова;

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 сентябрдаги 433-фм фармойишига 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир Ў. Т. Султонов зиммасига юклансин.

Қарорнинг бажарилиши тўғрисида 1998 йил ноябрда ва 1999 йил январда ахборот берилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
1998 йил 18 сентябрь,
397-сон

(1-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 289-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2003 й., 12-сон, 97-модда)

(2-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 289-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2003 й., 12-сон, 97-модда)

(3-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 сентябрдаги 430-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2004 й., 37-сон, 411-модда)